

Гардишли кўзойнак таккан, жулдур кийинган чол йўл четида ўтирарди. Дарёга қурилган понтон кўприкдан эса аравалар, юк уловлари, эркагу аёл, бола-бабра ўтиб турарди. Хачирга кўшилган аравалар аскарлар назоратида кўприкдан сохилга чиқариб қўйилар, вакилларга топшириларди. Гохо дехконлар, тўпикларигача чангга ботиб, судралиб ўтардилар. Факат чолгина жойида кимирламай ўтирар, юришга мажоли йўқдек туюларди.

Кўприкдан ўтиб нариги томонни кузатиш, душман хужумидан огох бўлиш менинг вазифам эди. Кўприкда уловлар сийрак эди, пиёдалар ҳам камайиб қолишганди, аммо чол ҳамон шу ерда ўтирарди.

— Каердансиз? — деб сўрадим ундан.

— Сан Карлосданман,— деди у. Она шахрини эсига туширганимгами, мамнун илжайиб қўйди.

— Мен хайвонлардан хавотирдаман...— дея лукма ташлади чол.

— А?..— дедим мен яхши тушунмай.

— Ха,— деди у,— хайвонларни деб орқада колдим. Сан Карлосни ташлаб чиққан сўнги одам менман.

У на чўпон ва на чавандозга ўхшарди. Мен унинг кир кийимларига, совун кўрмаган юзига, гардишли кўзойнагига назар солдим ва аста сўрадим:

— Кандай хайвонлар бўлди улар?

— Хар хил,— деди у бош чайкаб.— Уларни ташлаб келдим...

Мен кўприкка караб турардим. Амриколик эса Ебро Далта кишлоги томон термуларди. У душманни ўйлар, тик этган товуш эшитилса, вужуди кулокка айланарди.

— Кандай хайвонлар экан-а, улар?— дея такрор сўрадим.

— Икки эчки ва бир мушук. Яна тўрт жуфт каптар ҳам бор.

— Сиз уларни колдириб келдингизми?

— Ха, чунки тўплар... Капитан менга тўплар ўк узади, боринг, деди.

— Оилангиз йўқми?— деб сўрадим мен кўприк адогига караб. Охирги аравалар кўприкдан ўтиб, тепаликка тирмашмоқда эди.

— Йўқ,— деди у.— Факат хайвонларим... Мушук, албатта, халос бўла олади. Лекин бошқалари... Билолмадим.

— Кайси сиёсатни маъқуллайсиз? — деб сўрадим ундан.

— Сиёсатга кизикмайман,— деди у.— ёшим етмиш саккизда, ўн икки чакирим йўл юрдим, узокка боролмасам керагов...

— Бу ерда ўтирмаганингиз маъқул,— дедим унга.

— Биронта юк машинасида Тортосадаги чоррахагача етволсангиз яхши бўларди.

— Бир оз кутаман,— деди у.

— Кейин кетарман. Юк машиналари кайси томонга боради?

— Барселона томонга.

— Менга бу ерлар нотаниш... Катта рахмат сизга. Барака топинг.

У менга мўлтирабгина караб, ташвишларини бахам кўраётганлигимдан мамнунлигини билдирди.

— Мушукдан кўнглим тўк-а, лекин бошқалари-чи?.. Хўш, сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз? Мен елка кисдим.

— Шахарни тўплардан ўкка тутишса, улар нима килади-а?..

— Каптарлар кафасдадир, огзини очик колдирган-мисиз?—деб сўрадим мен.

— Ха, очик.

— Унда, улар учиб кетади.

— Ха, дарвоке, улар учади. Лекин бошқалари-чи? Хм, бу ҳақда ўйламаганим маъкулга ўхшайди...

— Агар дам олволган бўлсангиз,— дедим кимтинибгина,— мен кетаман...

— Раҳмат,— деди чол ва оёкка турди, турдию илкис калкиб, ерга ўтириб колди.

— Мен фақат хайвонларимдан ташвишдаман,— деган овози эшитилди оркамдан.—

Фақат хайвонларимдан...

Чолга бир нарса дейиш маҳол эди. Фашистлар Еброга яқинлашиб қолишганди.

Ўрок РАВШАНОВ таржимаси